Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 139 (6251). ● 20 июль, 1978 йил ▲ ПАЙШАНБА Баҳоси 2 тийин.

Бўка районидаги Ҳамза номли колхознинг Юсуф Юнусов бошчилик қилаётган коллективи далаларига Сифат белгиси берилган. Айни пайтда ҳам ғўза парвариши қизғин. Суратда: [чапда] Ю. Юнусов колхоз аъзолари билан.

М. Тўлисбоев фотоси.

ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛЛАР

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЮЛЬ (1978 йил) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Яқинда 4-бригаданинг дала шийпонида очиқ партия мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг июль Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг қилган доклади ва Пленум қарори муҳокама қилинди. Бу ҳужжатлар партиямизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, халқ турмуш даражасини янада яхшилаш тўғрисидаги ғамхўрлигининг ёркин ифодасидир.

Докладда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган кенг миқёсдаги масалалар, жумладан мелиорация ишларини амалга ошириш, табиий қийинчиликлар туфайли давлатдан қарздор бўлиб қолган колхоз ва совхозларнинг қарзларини кечиб юбориш каби жуда кўп тадбирлар белгиланган. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан баъзи турларининг давлатга харид нархларини оширилиши, партиямизнинг колхозчиларга кўрсатаётган катта ғамхўрлигининг намунасидир. Шунинг учун ҳам колхозчиларимиз бу тарихий хўжжатни зўр фахр ва ифтихор билан кутиб олдилар. Бир қатор бригада аъзолари партиямизнинг бу чексиз ғамхўрликларига жавобан зиммаларига қўшимча мажбурият олдилар. Бригада бошлиқларидан Нафал Исмоилов гектаридан 48 центнер ўрнига 50 центнердан, Жуман Саидов 38 центнер ўрнига 40 центнердан, Неъмат Эшманов 35 центнер ўрнига 37 центнердан ҳосил оламиз, деб қатъий қарор қилдилар.

Маълумки, бизнинг колхозда кейнги йиллари ҳосилдорлик пасайиб кетди. 1973 йилга нисбатан ўтган йили ҳар гектар ердан 7 центнер кам ҳосил олинди. Қатъий план белгиланган бўлса ҳам, халқ хўжалик плани ва мажбурият бажарилмади. Ердан самарали фойдаланилмагани, кўп майдонларни ёввойи ўт босиб кетгани, ерларнинг нотекислиги, деҳқончилик маданиятининг паслиги, алмашлаб экишнинг жорий этилмагани, мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланиш учун тўла шароит яратилмагани сингари бир қатор омиллар ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлди.

Кейинги вақтда колхозимизда майда карталарни йириклаштириш, алмашлаб экишни жорий этиш, техникадан самарали фойдаланиш, ерларни текислаш, ёввойи ўтга қарши химия воситаларидан фойдаланиш каби бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Колхозимиздаги 536 та майда карталар йириклаштириб 374 тага келтирилди. Бекорчи уватлар, майда ариқлар йўқотилди. 78 гектар фойдаланилмай ётган ерлар ўзлаштирилди. Алмашлаб экиш жорий этилди.

Хўжалигимизда 920 гектар пахта, 210 гектар беда, 100 гектар маккажўхори, 100 гектар полиз майдони бор. Ана шу экин майдонлари алмашлаб экишга мослаштирилди.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи зарбдор йилида юқоридаги тадбирларни амалга ошириб, колхозимиз аъзолари 920 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш, ҳосилдорликни 1973 йилги даражага етказишга қарор қилганлар. Шу ниятда бу йил чигит эрта муддатларда экилди ва тўла ундириб олинди. Бироқ оби-ҳавонинг ноқулай келгани туфайли 300 гектар ерга бузиб қайта чигит экилди.

Юз берган аҳволга қарши ғўза парвариши кучайтирилди. Ғўза қайта-қайта культивация қилинди. Минерал ва маҳаллий ўғит билан озиқлантирилди. 1015 тонна чириган ўғит, 1910 тонна маҳаллий ўғит ғўза қатор ораларига солинди. Шу туфайли қайта экилган ерларда 130 минг, қайта экилмаган ерларда 110—120 минг туп кўчат сақлаб қолинди. Лекин ҳамма майдонларда кўчат бир текис дея олмаймиз. 141 гектар ерда кўчат сийрак. Бу майдонлардаги ғўза ҳам гуллаб, кўксакламоқда. Ғўза қатор ораларида ёввойи ўт йўқ.

Колхозчиларимиз, барча механизаторларимиз зиммаларига олинган социалистик мажбуриятни бажариш, табиий қийинчиликларни енгиш учун ҳормай-толмай, бир ёқадан бош чиқариб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир ҳам ғўза парвариши қизғин тус олган. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарори ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги доклади колхозчиларимизнинг руҳини янада кўтарди, уларни охирги маррагача астойдил ишлашга отлантирди.

Колхозчиларимиз хўжалигимизда ҳосилдорлик бир меъёрда бўлиши зарурлигини яхши тушунадилар. Улар Пленум қарорларидан шундай хулоса чиқариб меҳнат қилмоқдалар. Аввал баҳорда юз берган қийинчиликларни енгишда Маликшо Бахриев, Пўлат Деққонбоев, Ғафур Каримов, Алиқул Умирзоқов, сингари механизаторларимиз зўр маҳорат кўрсатиб ишладилар.

Айни кунлари ғўзанинг тақдири сувчилар қўлида. Ҳозир 76 киши ғўзага ўнинчи сув тарамоқда. Абдурашид Отабеков, Йўлдош Эргашев, Ҳолдон Эрматов, Байназар Жуманазаров, Абдулла Сариқулов, Қобил Ҳалилов сингари сувчилар намунали ишлашяпти.

Биз бир мунча тадбирларни амалга оширган бўлсак ҳам ҳали қилинадиган ишларимиз кўп. Чунончи 550 гектар ер текисланиши керак. РЮЗ-4 канали колхозимизга келганда баланддан пастга шалола бўлиб тушади ва 8 километр ердан айланиб ўтади. Биз эса канал сувини 13 та насос ёрлами билан экинзорларга оламиз. Агар шу канал баъзи чуқур ерларни тупроқ билан тўлдириб, тўғрилаб ўтказилса у 3 километрга қисқаради, насос ишлатмай экинларни суғориш мумкин бўлади. Бир мунча ер очилиб экинзорга айланади. Паст-баланд ерлар текисланиб техникани унумли ишлаши учун шароит яратилади. Бу ишлар учун лойиҳа ва сметалар тузилган. Аммо алоқадор ташкилотлар ишни пайсалга солишяпти. Улар бундан тегишли хулоса чиқариб бу ишни тезлаштирадилар, деб ўйлаймиз.

С. АБДУЛЛАЕВ,
Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз раиси.

ФЕДОР ДАВИДОВИЧ КУЛАКОВНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА МОТАМ МИТИНГИ

19 июль куни Москвада Коммунистик партия ва Совет Давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Федор Давидович Кулаковни дафн этиш маросими бўлди.

Совет Армияси Марказий уйининг Қизил байроқли залида икки кундан буён мотам либосида. Бу ерда гулчамбарлар ва гуллар ўртасидаги баланд супага Ф. Д. Кулаков ҳоки солинган қути қўйилган. Марҳумнинг жасади 19 июльга ўтар кечаси кремация қилинди.

Кеча бўлганидек Москва ва областнинг минг-мингдаб меҳнатчилари, иттифоқдош республикалар ва областларнинг вакиллари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари, ҳарбий бошлиқлар ўзининг бутун умрини коммунизм қурилиши улуғ ишига бағишлаган, социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган партия содиқ фарзандига чуқур ҳурмат билдириш учун бу ерга келдилар.

Соат 12. Марҳумнинг ҳоки ёнига кириш тўхтатилади. Залда Федор Давидович Кулаковнинг қариндошлари, ёру — биродарлари ва дўстлари қоладилар. Сўнгги видолашув дақиқалари.

Мотам куйлари чалинади. Дафн этишни ташкил қилувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари қутини Совет Армияси Марказий уйидан олиб чиқиб, уни катафалкка ўрнатадилар. Мотам марсияси Москва маркази томон йўл олади.

Ҳарбийлардан иборат фахрий қоровул союзлар уйи олдида мотам ичра сукут сақлаб турибди. Қути тўп лафетига ўрнатилади. Мотам кортежи қизил майдон томон йўл олади.

Москва ва область меҳнаткашлари ҳамда жамоатчилигининг вакиллари, партия ва совет ходимлари, фан ва маданият арбоблари, СССР Қуролли Кучларининг намояндалари қизил майдондаги минбарларга чиқадилар. СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, чет эл делегациялари ҳозир бўладилар.

Ҳарбий бўлинмалар майдонда бир текис саф тортиб турибди. Уларнинг колоналари узра мотам лепталари тақилган жанговар байроқлар эгилган.

Соат 13. Коммунистик Партия ва Совет Давлатининг раҳбарлари марҳумнинг ҳоки солинган қутини тўп лафетидан олиб В. И. Ленин мавзолейи олдига қўядилар. Ю. В. Андропов, А. А. Громико, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, Г. В. Романов, Д. Ф. Устинов, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, Я. П. Рябов, К. В. Русаков ўртоқлар, дафн этишни ташкил қилувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари мавзолейнинг марказий минбарига чиқадилар.

Мотам митингини ҳукумат комиссиясининг раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко очади.

У бундай деди: бугун партиямиз, совет халқи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Иттифоқи Олий Советининг депутати, Коммунистик партия ва Совет Давлатининг таниқли арбоби Федор Давидович Кулаковни чуқур қайғу билан сўнгги йўлга узатмоқдалар.

Биз, деди А. П. Кириленко, атиги беш ой муқаддам, февраль ойи бошларида Федор Давидовични 60 ёшга тўлганлиги муносабати билан шарафлаган, унинг социалистик Ватанимиз олдидаги катта хизматларини тақдирлаган эдик. Шу боисдан ҳам биз шу оғир жудоликдан қаттиқ қайғурмоқдамиз.

Федор Давидович Кулаковнинг меҳнат йўли Ленин партияси билан, унинг ленинизм ғояларини амалга ошириш, мамлакатимизда коммунистик жамият барпо этиш соҳасидаги буюк фаолияти билан батамом боғлиқ эди. Деҳқон фарзанди Федор Давидович Кулаков йигирма ёшида агроном бўлди ва шу вақтдан бошлаб унинг фаолияти аввало қишлоқ хўжалиги социалистик экономикасининг жуда муҳим соҳаси билан боғлиқ бўлди. У қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасида кенг билимларга ва катта амалий тажрибага эга эди, ерни яхши билар ва севар, деҳқон меҳнатини юксак даражада қадрларди.

Федор Давидович йигитлик чоғидаёқ партияга кириб, унинг сафларида вояга етди ва чиниқди. Унга тобора масъулиятлироқ ва қўлами кенгроқ иш участкалари ишониб топширилаверди. Партия уни қаерга юбормасин, ишлаб чиқаришда, хўжалик, совет ва партия ишидаги ҳамма лавозимларда Федор Давидович ҳамиша ташаббус кўрсатиб, ғайрат-шижоат ва сабот билан меҳнат қилди.

У район ер тузиш бўлимининг мудири, район партия комитетининг секретари, область партия комитети қишлоқ хўжалиқ бўлимининг мудири, область ижроия комитетининг раиси, Россия Федерацияси министри ўринбосари ва министри, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари лавозимларида муваффақиятли ишлади.

1964 йилда Федор Давидович Кулаковга аграр проблемаларни жуда яхши билувчи тажрибали партия ходими сифатида КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимига раҳбарлик қилиш топширилди. 1965 йилда у КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб, 1971 йил апрелида эса Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзоси қилиб сайланди.

Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилик қилаётган партиямизнинг ленинча штабида ишлаган даврда Федор Давидович Кулаковнинг партия арбоби сифатидаги ҳар томонлама қобилияти айниқса ёрқин намоён бўлди. Федор Давидович Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси ва секретариатининг аҳил коллектив ишида, КПСС билан Совет Давлатининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда актив иштирок этди, ўзига билдирилган ишончни ҳамиша шараф билан оқлади.

Федор Давидович Марказий Комитетнинг топшириғига мувофиқ қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб, ўзининг бутун кучини КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленуми ва партия съездлари ишлаб чиққан ҳозирги аграр сиёсатни изчиллик билан амалга оширишга бағишлади.

Федор Давидович Кулаков қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, колхоз тузумини мустаҳкамлашнинг улкан ва мураккаб вазифаларини ҳал қилишга катта ҳисса қўшди. У партия қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ишнинг кўзини чуқур билиб қатнашди, қишлоқ хўжалик органлари, министрликлар ва идораларнинг, илмий муассасаларнинг ишини такомиллаштиришга қунт билан ҳаракат қилди. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида қишлоқ хўжалигида эришилган муҳим ижобий натижалар таъкидлаб ўтилган эди. Бунда Кулаковнинг меҳнати ҳам оз эмас.

Федор Давидович партиявий принципиаллик, юксак масъулиятни ҳис этиш ва талабчанлик, ишчанлик ва камтарлик хислатлари билан ажралиб турарди. У гоят дилкаш ва самимий, ўртоқларга нисбатан меҳрибон ва раҳмдил киши эди. Биз ҳаммамиз, у билан бирга ишлаган ва ҳар куни у билан алоқада бўлган кишилар, унинг бу фазилатларини айниқса яхши билардик ва қадрлардик.

Федор Давидович ўзининг фидокорона меҳнати ва шахсий ибрати билан партия ва халқнинг зўр ҳурматига сазовор бўлган эди. Ленинчи партиямиз ва ҳукумат унинг меҳнатини юксак баҳолади, у Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, ватанимиз орденлари ва медаллари билан мукофотланди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати азиз дўстимиз ва ўртоғимиз Федор Давидович Кулаковнинг бевақт вафот этганлигидан бутун совет халқи ва чет эллик дўстларимиз билан биргаликда гоят қайғурмоқдалар. Биз марҳумнинг қариндошларига ва ёру биродарларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, ўзининг бутун ҳаётини халқ манфаатларига, коммунизм қуришдан иборат улуғ ишга бағишлаган Федор Давидович Кулаковнинг порлоқ хотираси совет кишиларининг қалбида абадий сақланиб қолади.

А. П. Кириленко КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг топшириғига мувофиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Федор Давидович Кулаковнинг хотирасига бағишланган мотам митингини очиқ деб эълон қилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев ўз нутқида Ф. Д. Кулаков мамлакатнинг социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, уни мустаҳкам саноат негизига кўчириш, халқ фаровонлигини ошириш соҳасида партия ўртага қўйган вазифаларни ҳал қилишга айниқса кўп меҳнат, куч-ғайрат ва билимларини сарфлаганлигини таъкидлаб ўтди.

Партия Федор Давидович Кулаковни қаерга юбормасин, деди З. Н. Нуриев, у ўзига хос ташаббус ва жуда катта меҳнатсеварлиги билан ана шу юксак ишончни муносиб тарзда оқлашга ҳаракат қилди. У қаерда ишламасин — районда, областда ёки марказдами, бурчни ва топширилган иш учун партиявий масъулиятни юксак даражада ҳис этар эди. У топширилган ишга ўзининг бутун куч ва билимини бағишларди.

Федор Давидович Кулаковнинг вафоти Коммунистик партия ва бутун совет халқи учун гоят катта жудоликдир.

Ф. Д. Кулаков ижодий кучлари равнақ топган бир пайтда вафот этганлиги, деди КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари В. Н. Макеев, биз учун жуда қайғулидир. Деҳқон оиласида ўсиб улғайган Ф. Д. Кулаков ўзининг бутун ҳаётини, бутун кучи, билими, тажрибасини социалистик қишлоқ хўжалигига бағишлади. Федор Давидович партия режаларини амалга оширишга қаратилган ҳамма ишда ва ҳамиша зўр ғайрат билан ишлади. У КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва партия Марказий Комитетининг секретари сифатида ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партиямизнинг ленинча штаби коллектив ишига катта ҳисса қўшди. Федор Давидович қишлоқ хўжалигини юксалтириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми белгилаб берган йўлни амалга ошириш учун кўп иш қилди.

КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари М. С Горбачев айтдики, Ф. Д. Кулаковнинг ёрқин, катта зафарларга бой ҳаёти — Улуғ Октябрь социалистик ижтимоий тузум қандай ажойиб инсоний фазилатларни вужудга келтирганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир. У партиямизнинг ленинча бош йўлини амалга ошириш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг коллектив ишига, партиянинг аграр сиёсатини ишлаб чиқишга ва ҳаётга тадбиқ этишга катта ҳисса қўшди. Бу сиёсат бутун совет халқи томонидан маъқулланган Марказий Комитет июль Пленумининг қарорларида янада давом эттирилди ва ривожлантирилди.

Курск областидаги «Родина» колхозининг раиси, Социалистик меҳнат Қаҳрамони В. М. Репринцевга сўз берилди. Азиз юртдошимиз Ф. Д. Кулаковнинг бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабар, деди у, Курск области меҳнатчиларини ғоят қайғуга солди. Федор Давидович жонажон ўлка билан доимо маҳкам алоқа боғлаб турар эди, ўлка экономикаси ва маданиятини ривожлантириш тўғрисида кўп ғамхўрлик қилар эди, курсликларнинг ҳаётида рўй берган катта ўзгаришлардан биз билан бирга қувонар эди.

Ф. Д. Кулаков КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленумининг қарорларини амалга оширишга кўп куч ва ғайрат, партия раҳбари истеъдодини бағишлади. Шу йиллар мобайнида мамлакат халқ хўжалиги партия раҳбарлигида олга қараб катта қадам кўйди, деди нотиқ.

Мотам митинги ёпиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг раҳбарлари мавзолей минбаридан тушадилар. Улар қутини кўтариб, Кремль девори томон йўл оладилар.

А. П. Кириленко тўп салютининг садолари остида Ф. Д. Кулаков ҳоки солинган қутини токчага қўяди. Бу токча мемориал плита билан ёпилади. Плитага қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган:

Федор Давидович
КУЛАКОВ
4 — 17
19—18 — 19—78
II — VII

Мотам марши чалинади. Шундан кейин Совет Иттифоқи давлат Гимни ижро этилади.

Ҳарбий бўлинмалар тантанавор юриб ўтишади. СССР Қуролли Кучларининг намояндалари Ватанга, Улуғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилган Ф. Д. Кулаковга сўнгги ҳарбий ҳурматларини бажо келтирадилар.

(ТАСС).

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари совети ва область комсомол комитети районлар, совхозлар, колхозлар ўртасида давлатга мева-сабзавот, картошка сотиш юзасидан социалистик мусобақанинг шу йил 16 июлгача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районидаги Свердлов номли совхозга** (директори Р. Усмонов, партия ташкилотининг секретари И. Азимов, ишчилар комитетининг раиси Р. Ҳакимов, бош агроном П. Эргашев ўртоқлар) берилди. Совхоз давлатга сабзавот топшириш йиллик планини 38,4 процент, картошка бўйича 100 процент, ҳўл мева бўйича планни 68,3 процент бажарган. Йиллик планга нисбатан июль ойининг биринчи ярмида сабзавот бўйича 6,3 процент, картошка бўйича 59,1 процент, ҳўл мева бўйича 13,5 процент ўсишга эришган.

Байроқ Калинин районидаги «Қорасув» совхозидан олиб берилади.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозига** (раиси Н. Маҳкамов, партия ташкилотининг секретари С. Абдуллаев, бош агрономи К. Турсуметов ўртоқлар) берилди. Бу колхоз давлатга сабзавот сотиш бўйича йиллик планини 41,9 процент, картошка планини 96,9 процент, ҳўл мева бўйича 88 процент бажарган. Июль ойининг биринчи ярмида йиллик планга нисбатан сабзавот бўйича 6,7 процент, картошка бўйича 66,5 процент, ҳўл мева бўйича 59,5 процент ўсиш таъминланган.

Байроқ Тошкент районидаги Навоий номли колхозидан олиб берилади.

Область план бўлимига Тошкент районига, Калинин районидаги Свердлов номли совхозга, Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК, ВИТАМИНЛИ ЎТ УНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЙЛ 17 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган дағал хашак, учинчи устун — ўт уни тайёрлш топшириғининг бажарилиши.

Калинин	85,0	57,0	Оққўрғон	57,0	51,0
Ғалаба	63,0	79,0	Оржоникидзе	57,0	35,0
Тошкент	3,0	68,0	Бўка	54,0	48,0
Оҳангарон	32,0	23.0	Пискент	50,0	56,0
Чиноз	60,0	55,0	Бўстонлиқ	49,0	55,0
Янгийўл	60,0	36,0	Бекобод	47,0	36,0
Коммунистик	58,0	53,0	Область бўйича:	58,0	54,0
Ўрта Чирчиқ	58,0	51,0			

Совет Армияси Марказий уйининг Қизил Байроқли залида. Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари фахрий қоровулликда.

А. Пахомов фотоси («Правда»)

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир қатор илғор тикувчилари беш йилликни уч-уч ярим йилда бажаришга азму қарор қилганлар. Уларнинг кўпчилиги айни пайтда 1980 йил ҳисобига маҳсулот тошширмоқдалар. Суратда: корхона 2-цехи нинг ана шундай зарбдорларидан бир группасини кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ЗЛОБИН МЕТОДИ БИЛАН

НОДИР Файзуллаев 11-«Висотстрой» трестининг 69-қурилиш бошқармасида пешқадам бригадирлардан бири сифатида танилган. У бошчилик қилаётган комплекс бригада коллективи Киров районида «Ўзгипротехбыт» институтнинг етти қаватли янги биносини бунёд этмоқда. Бригаданинг 43 кишидан иборат азамат бунёдкорлари Николай Злобиннинг бригада пудрати методи асосида ишлаб катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Улар ой сайин план топшириқларини 5—10 процентга ошириб бажаришмоқда.

Объект қурилишида дурадгор Омон Даминов, монтажчи Виктор Ганбахер ва бошқалар фидокорона меҳнат қилишмоқда.

— Айни кунларда касб байрамимиз — қурувчилар кунини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдамиз, — дейди участка бошлиғи В. Саркисян, — ана шу байрамгача офтобдан тўсғич элементларни тўла монтаж қилиб тугатиш ва пардозловчилар учун иш фронтини ҳозирлаб беришга аҳд қилдик. Бундан ташқари, Файзуллаев бошлиқ бригада СССР Конституциясининг бир йиллигигача уч йиллик планни бажариш мажбуриятини олиб ишламоқда.

М. ФЕЛЬДМАН.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

БУ фабрика коллективи шарафли ва масъулиятли вазифани бажармоқда. Ишчи-хизматчилар турли-туман рўзғорбоп химия маҳсулотларига тобора ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжларни қондиришга ҳисса қўшмоқдалар.

Шунинг учун ҳам корхона ишлаб чиқариш қувватлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 1972 йил давомида 336 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинган бўлса, бу йил унинг миқдори салкам олти баравар ортади. Маҳсулот турлари 13 тага етди. Бундан беш йил муқаддам эса фақат тўрт хил маҳсулот тайёрланар эди. Илгари ишчи-хизматчилар қўлидан чиқаётган рўзғор буюмлари фақат республикамиз шаҳар ва қишлоқларига юборилган бўлса, эндиликда қардош республикаларда ҳам анчагина мижозлар бор. Ҳозирги вақтда Ўрта Осиёда 42, Иттифоқда эса 22 адресга маҳсулот юборилмоқда.

Фабрикада ишнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу ерда сифат куни ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ҳар ҳафтада бир марта ўтказиладиган бундай кунларда яхши сифатли маҳсулот чиқараётган ишчиларнинг тажрибаси ўрганилади, бракка йўл қўяётганлар эса изза қилинади ҳамда бу нуқсонларни бартараф этиш юзасидан зудлик билан чоралар кўрилади. Шунинг учун ҳам фабрика кейинги бир ярим йил ичида савдо ташкилотларидан биронта ҳам рекламация олгани йўқ.

Интернационал коллектив ўз зиммасига юклатилган вазифани ҳар йили муваффақиятли бажариб келаяпти. Ишчилар ўнинчи беш йиллиги арфасида ишлаб чиқаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш, ишлаб чиқариш самарасини ошириш ва ишчилар меҳнатини ташкил этиш, унинг янги-янги формаларини жорий қилиш катта эътибор бериляпти. Бу ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этаётган айрим коллективлар ва ишчилар меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Айниқса, тикув цехи коллективининг зафарлари салмоқли бўлаяпти. Галантерея ва бадиий расм солиш цехи ишчилари ҳам ҳар ойда мукофотли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Фабрика цехларида турли миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб фидокорона ишлаяпти. Ўнлаб ишчилар зиммаларига олган юксак мажбуриятларини муваффақиятли адо этишаяпти. Т. Абдурасулова, З. Дўйсенова, Ф. Шонибекова, Т. Шодиев ва Л. Макаровалар шулар жумласидандир. Улар нормани доим 1,5 баравар ва ундан ҳам ошириб адо этишяпти. Ўзларининг бой тажрибаларини ёш ишчиларга кунт билан ўргатишяпти.

А. ИБРОҲИМОВ.
Товоқсой маиший-химия фабрикаси.

ТЎРТИНЧИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

Пайвандчилик Николай учун ота касб. Шу туфайли ҳам бу ҳунарга меҳр қўйган бўлса керак. Унинг отаси Василий Иванович Тучков Ғалаба районидаги эксперименталь ремонт-механика заводида узоқ вақт ишлади.

Ўғли касбини эгаллаганидан ота ҳам хурсанд. Николай худди шу корхонада отасининг иш жойида меҳнат қиляпти. Етти йилдан бери турли-туман асбоб-ускуналар, металл-конструкцияларни бир-бирига пайванд қилиб келяпти. Николай Васильевич ўз касбини жон-дилдан севади. Унинг барча сир-асрорларини пухта эгаллаб олган. Пайванд қилган чоки ҳар доим пишиқ ва пухта бўлади. Моҳир ишчи ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан коллектив олиб бораётган курашда фаол қатнашмоқда. Бутун маҳорати ва тажрибасини сарфлаб ишлаяпти. Шу туфайли ҳам ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юксак бўлмоқда. У уч йиллик шахсий планини муддатидан етти ой илгари адо этди. Ҳозир эса келгуси йилнинг март ойи ҳисобига ишлаяпти. ВЛКСМ аъзоси Н. Тучков Ленин комсомолининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун янада ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилаяпти.

С. ДАДАБОЕВА.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КЎПАЯДИ

МАНА, икки йилдирки, Тошкент шаҳри қурилиш Бош бошқармаси «Жилстрой» қурилиш трестининг 3-йирик панелли уйсозлик заводида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трести 10-бошқармасининг бинокорлари уйсозлик заводининг асосий ишлаб чиқариш корпуси, тайёр маҳсулотлар сақлаш омборхонаси, ва бошқа маиший хизмат хоналари қурилишини муддатидан бир мунча илгари шу йил охирига қадар битказиб, фойдаланишга топширишга қарор қилишган.

— Социалистик мусобақада Г. Панченко, А. Тожибоев, Б. Орипов бош бўлган бригадаларнинг аъзолари пешқадамлик қилишяпти, — дейди 159-қурилиш трести меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг катта инженери Р. Шоазизова.

Н. АБДИЕВ.

ҚАЙНОҚ ДАМЛАР

ҲОЗИРГИ ғанимат дамлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланган деҳқон, албатта, мўл ҳосил етиштиради. 1-«Далварзин» совхози пахтакорларининг кучғайрати, маҳорати ана шу мақсадга қаратилгандир. Совхоз заршунослари бу йил 2526 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, давлатга 8750 тонна «оқ олтин» етиштириб беришга аҳд қилишган. Кўпгина бўлим ва бригадаларда ғўза парваришни юксак агротехника талаблари асосида олиб борилмоқда.

Совхозда пахтадан юксак хирмон яратаётган бўлимлар кўп. Абдурашид ака Самадов стакчилик қилаётган бўлим пахтакорлари ўтган йили гектаридан 35 центнердан хирмон кўтаришган эди. Бу йил 40 центнерлик маррани кўзлашмоқда. Баҳорда экилган «Тошкент-1» навли чигит уруғи ернинг ўз намига ундириб олинди. Бироқ, 27 апрель куни ёққан сел 200 гектардан ортиқ майдондаги ғўзани ювиб кетди. Деҳқонлар эсанкираб қолишмади. Икки кун ичида барча майдонга қайтадан чигит экилди. Ҳозир бу майдондаги ғўзалар дуркун ривожланмоқда.

Бўлимнинг Дадабой Жўраев, Раиса Нўлдошева, Муҳиддин Азаматов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида ҳар гектар ерда 100—105 минг тупдан кўчат сақлаб қолинди. Ҳосил тақдири, айниқса, шу кунларда сувчи билан механизаторнинг ҳамкорликда сифатли меҳнат қилишига боғлиқ. Бўлимда 60 моҳир сувчи, 9 механизатор фидокорона меҳнат қилаётир. Турсунбой Аҳмедов, Абдураззоқ Холиқов, Охунбой Мирзаев, Эргаш Турсунов, Бердибой Жўраев каби сувчилар, А. Қодиров, Э. Қаҳрамонов, А. Маматқулов каби механизаторларнинг ғайрат-шижоати туфайли ғўзалар кун сайин гуллаб, кўсакламоқда.

— КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладида белгиланган вазифалар асосида меҳнат қилмоқдамиз. Айниқса, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Юқори сифатли пахта етиштириш мамлакатдаги барча пахтакорларнинг асосий вазифасидир», — деб айтган сўзларига қатъий амал қилмоқдамиз, — дейди бўлим бошлиғи А. Самадов.

Чиндан ҳам бўлим заршунослари ҳозирги дамларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланмоқдалар. Шунинг учун ҳам ғўзалар дуркун ва серҳосил бўлиб ўсмоқда.

К. РАҲМОНБЕРДИЕВ.

ҒАМХЎРЛИК ИЛҲОМЛАНТИРАДИ

АВВАЛ маълум қилганимиздек, келгуси йил бошидан мамлакатимиз дорихоналарида рецептура системаси янада қатъийлаштирилади. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Халқ соғлиғини сақлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қароридан сўнг беморларни дори-дармон билан таъминлашда бирмунча силжишга эришилди. Бу ҳақда республикамиз пойтахти мисолида Тошкент шаҳар дорихоналар бошқармасининг бошлиғи С. А. АБДУРАЗЗОҚОВ шундай ҳикоя қилади.

— Ҳа, дори-дармонлар тарқатиш ва улардан фойдаланишни қатъий тартибга солиш халқимиз саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Бир хил касалликка қарши бир неча хил препарат мавжудлиги, ҳар бир дори беморнинг ёши, организм ҳолати, касаллик ривожига қараб ҳар хил дозаларда қўлланишини эсда тутиш лозим. Сир эмас, кейинги пайтларда ҳонаки «доришунос»лар, ўзларини врачдан устун қўювчи «билимдон»лар пайдо бўлиб қолди. Улар қайси дори кўпроқ наф беришини «яхши» биладилар, врачга бормай ўз билгиларича ўзларини даволашга ўринадилар. Шуниси ҳам етмагандек, бошқа таниш беморларга «фалон дори ёр, қолган ҳаммаси бекор» дея нотўғри ташвиқ қиладилар. Бундайларга ишонганлар ютқизишади.

Иттифоқимизда турли касалликларга қарши самарали ва қуйироқ таъсир қилувчи препаратлар ишлаб чиқаришга жиддий эътибор бериляпти. Дорихоналар тармоғи сўнгги беш йилликлар даврида анча кўпайди. Ҳозирги кунда шаҳримизда 109 та дорихона, санитария-гигиена предметлари билан савдо қилувчи 12 та магазин, даволаш муассасалари ҳузурида эса 77 та киоск ва кўчма лоток ишлаб турибди. Уларда аҳолига 3500 га яқин номдаги дори ва малҳам тарқатиляпти. Антибиотиклар, сульфаниламид, силга ва диабетга қарши препаратларга бўлган талаб тўла қондирилмоқда.

Аммо айрим юрак касалликлари, баъзи витаминлар, гормональ препаратлар ҳар доим ҳам етарли бўлавермайди. Мавжуд дори-дармонлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш кўп жиҳатдан врачлар билан дорихоналар ўртасидаги муносабатга боғлиқ. Ленин районидаги — 2, Киров районидаги — 3, Куйбишев районидаги — 7, Фрунзе районидаги — 56, Собир Раҳимов районидаги — 8, Акмал Икромов районидаги 83-дорихоналарда маълум кунларда врачлар йиғилишиб фармацевтика янгиликлари билан танишадилар. Шаҳар миқёсидаги «врач кунлари» 1-марказий дорихонада ўтказилмоқда. Аксарият дорихоналарда «Ахборот бурчаги» ва мавжуд дорилар кўргазмаси ташкил қилинган. Бу ерда соҳага доир адабиётлар, препаратлардан фойдаланиш инструкцияларининг картотекаси билан танишиш мумкин.

Шаҳримиздаги 1, 4, 7, 8, 56 ва бошқа кўплаб дорихоналарда справка столи ишлаб турибди. Бу ерда мавжуд медицина препаратлари, уларнинг ўрнини босадиган дорилар ҳақида аҳолига, врач ва дорихона ходимларига ахборот берилади. Дорихонада вақтинча тугаб қолган дорилар ҳақида врачлар хабардор қилинади. Шу йўл билан беморлар сотувда йўқ дорини қидириб сарсон бўлишининг олди олинади. Врачлар тугаб қолган дорининг ўрнини босувчи бошқа препарат ёзиб беришади.

Шаҳар дорихоналари ҳар йили 15—20 хил янги хил дори-дармон олиб даволаш муассасаларига етказмоқда. Барча янги дорилар шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг бош мутахассислари билан келишган ҳолда дорихоналарга бўлиб тарқатилади.

Яқинда Тошкент химиёфармацевтика заводи чекишни ташлашга ёрдам берадиган янги восита — «анабазин» таблеткасини ишлаб чиқара бошлади. Бошқарма дорихоналарига келган «ремантадин» препарати гриппга қарши энг яхши дори сифатида ном қозонди. «Цефекон» шами эса оғриқни қолдириш, ҳароратни пасайтиришда ва яллиғланишга қарши ишлатилади.

Партия ва ҳукуматимизнинг соғлиқни сақлашга эътибори, КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленумининг совет халқи тўғрисида ғамхўрлик билан суғорилган қарори Тошкент дорихона ходимларини янада яхшироқ меҳнат қилишга илҳомлантирмоқда.

Суҳбатни штатсиз мухбиримиз О. НИЕЗОВ ёзиб олди.

Республикамиз пойтахти кун сайин кўркамлашиб бормоқда. Унинг бағрида кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Айниқса, уй-жойлар кўплаб қурилмоқда. Капитал қурилишнинг бу тармоғи бундан буён ҳам муттасил ривожланиб боради. Ана шу ривожланиш йўли қандай бўлади? Бу ҳақда «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Н. НАБИЕВ қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

МИЛЛИОН КВАДРАТ МЕТР УЙ-ЖОЙ УЧУН

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

— Бош бошқармамиз коллективи ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида катта ҳажмдаги ишларни бажариши керак. Йил давомида 785 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш назарда тутилади. Бундан ташқари, 11 минг 700 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 6500 ўринли болалар боғчалари ва яслилари қурилади. Юздан ортиқ саноат, маданий-маиший ва коммунал хўжалиги объектлари қад кўтариши даркор.

Коллективимиз зиммасидаги вазифа шундай мураккаб ва масъулиятли. У айни вақтда шарафли ҳамдир. Чунки, шундай миқёсдаги капитал қурилиш ишларини амалга оширишни ҳис қилишнинг ўзи ҳар бир бунёдкор қалбига олам-олам қувонч бахш этади, унинг ўз касби билан фахрланиш туйғусини янада кучайтиради. Худди шунинг учун ҳам давлат планлари муваффақиятли бажарилмоқда. Зарбдор йилнинг биринчи ярим йиллик топшириғи пудрат ишларининг умумий ҳажми бўйича ҳам, шунингдек ўз кучларимиз бўйича ҳам уддаланди.

Зиммамизга юклатилган вазифаларнинг бажарилишида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва унинг ютуқларига суяниш катта роль ўйнамоқда. Сўнгги йилларда барча трестлар ва бошқармаларимиз, саноат корхоналари ва автомобиль хўжаликларимиз бу масалага жиддий эътибор билан қарамоқдалар. Шу сабабли ҳам уйсозликда фан-техника тараққиёти севиларли даражада тезлашди. Ҳозирги вақтда бош бошқармамиз уй-жой қурилишининг индустрия даражаси жиҳатидан Иттифоқда энг олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турганлигининг боиси ҳам шунда. Биз қураётган турар-жойлар ҳажмида йирик панелли уйлар 80 процентга яқинини ташкил этиб турибди. Умуман мамлакат бўйича эса бу кўрсаткич 57,5 процентга тенгдир. Бош бошқармамизга қарашли учта уйсозлик корхоналаримиз ҳар йили 650 минг квадрат метрдан ортиқ ҳажмдаги уйларни ишлаб чиқармоқдалар. Бу уйларда истиқомат қилиш учун барча қулайликлар муҳайё қилинган.

Миқдор билан бирга сифат соҳасида ҳам анчагина ижобий силжишлар бўлди. Коллективимиз йирик панелли уйлар сифатини яхшилаш билан муттасил шуғулланмоқда. Бу соҳада лойиҳачилар билан биргаликда олиб борилаётган изланишлар самараси яхши бўлаяпти. Йирик панелли уйларимиз тобора такомиллашиб бормоқда.

Ҳаммага маълумки, бундан ўн йил илгари Тошкентда йирик панеллардан йиғилган бирорта ҳам баланд уй йўқ эди. Асосан тўрт қаватли бинолар қад кўтарарди. Ҳозир эса тамомила бошқача манзарани кўрасиз. Квартиралари планировкаси яхшиланган тўққиз қаватли уйлар пойтахтимизнинг барча массивларида ҳатто «эски шаҳар» зоналарида ҳам бор. Бу уйларда яшаш учун барча имконият муҳайё этилган. Лифтлари, қатор бошқа инженерлик қулайликлари яратилган. Ҳозирги вақтда бундай баланд уй-жойлар майдони 600 минг квадрат метрдан ошиб кетди. Эндиликда 12 ва 16 қаватли йирик панелли уйларни қуришни бошлашга тайёргарлик кўрилмоқда. Бунинг учун зарур лойиҳа-смета ҳужжатлари бинокорлар қўлига топшириб қўйилди.

Лекин, шаҳардаги уй-жой қурилишининг индустриал даражаси юксаклигини қайд қилиш билан бирга ҳали бу соҳада лозим бўлган барча имкониятлардан тўла фойдаланяпмиз, баланд уйларни қуриш технологиясини такомиллаштиришнинг ҳамма омилларини ишга солаяпмиз деб айта олмаймиз. Тошкентда ҳар йили миллион квадрат метр замонавий уй-жой қуриш масаласи қўйилганди. Бу маррани 1976 йилда эгаллашимиз лозим эди. Лекин, бунинг уддасидан ҳамон чиқа олганимиз йўқ. Ҳатто бу йил ҳам ана шу даражага ета олмаймиз. Бунга жуда кўп сабаблар тўсқинлик қилди. Аввало, биринчи уйсозлик комбинати реконструкцияси жуда суст борди, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш қониқарсиз бўлди.

Бош бошқармамиз ҳозирги вақтда янги-янги микрорайонлар қурилиши суръатлари ва миқёсларини бўшаштирмаган ҳолда қурилиш индустрияси корхоналарини ривожлантириш бўйича катта ишларни олиб бормоқда. Ўнинчи беш йиллика ана шу мақсад учун 90 миллион сўмликка яқин капитал маблағ сарфланиши назарда тутилган. Йирик панелли уйсозлик корхоналарини реконструкция қилиш ва модернизациялаш бўйича кенг ишлар программаси амалга оширилмоқда. 1-уйсозлик комбинатини реконструкция қилиш тугаллангач унинг йиллик қуввати 350 минг квадрат метр уй-жойга етади. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда қайта қурилиш ишлари ниҳоясига етказиляпти. Бунинг натижасида тайёрланаётган маҳсулотнинг ҳажми қатори сифати ҳам анча ортади.

Комбинат мана икки йилдан бери ТДСК—71 А серияли янги такомиллашган уйлар чиқармоқда. Янги уйларнинг хоналари аввалгиларидан анча фарқ қилади. Уйнинг планировкаси, ташқи ва ички пардози анча яхшиланган, иситиш системаси схемаси такомиллашган. Шаҳарда биринчи марта айвонлари ойнаванд-қилинган, полларига эса иссиқлик ўтказмовчи линолеум ётқизилмоқда. Ёрдамчи хоналар майдони, жумладан, ошхона анча кенгайган. Бу йил комбинат худди шундай уйлардан 300 минг квадрат метрга яқин тайёрлайди ёки 6 минг квартира қуриб беради.

Ҳаёт ТДСК—71 А серияли уйларни янада яхшилашни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам «Ташгипрогор» институти лойиҳаловчилари уйсозлик билан ҳамкорликда уни анча такомиллаштирдилар, айни вақтда бундай янги уйларнинг уй-жой ва ёрдамчи хоналар параметрларини сақлаб қолдилар. Аввало, уйларнинг конструктив қисмлари тартибга солинди. Бунинг натижасида ҳар квадрат метр уй-жой ҳисобига тахминан 8 килограммдан металл тежалди. Иккинчи комбинатнинг йирик панелли уйсозлик заводини реконструкция қилиш ҳам бошланди. Бу завод тўқиз қаватли уй-жойлар учун деталлар ишлаб чиқариш ва қуришга ихтисослашган. Биз унинг қувватини йилига 210 минг квадрат метр уй-жойга етказмоқчимиз. Вақти келиб бу ерда тайёрланган панеллардан 12 қаватли уйлар ҳам қад кўтарадиган бўлади.

Бош бошқармамиздаги уйсозлик корхоналарини реконструкция қилиш тугаллангач улар ҳар йили 840 минг квадрат метр уй-жой ишлаб чиқариш ва қуриш қувватига эга бўладилар. Жумладан, 9—12 қаватли уйлардан 490 минг, 4-5 қаватли уйлардан 350 минг квадрат метр уйлар тайёрланади. Бу уйларнинг ташқи архитектураси турлича бўлади. Натижада уй-жой районларининг қиёфаси янада кўркамлашади.

Кўриниб турибдики, йирик панелли уйсозликда катта ўзгаришлар ва силжишлар содир бўлади. Лекин, бу барча резервлардан фойдаланилди, деган маънони билдирмайди, албатта. Чунки, бундай резервлар ҳали корхонамизда жуда кўп. Бизнинг вазифамиз — уларни топиб, ишга солишдан иборат. Масалан, ҳар бир квадрат метр уй-жой қуриш учун меҳнат сарфиёти анча кўп бўлмоқда. Уни камайтириш учун инженерлик ва архитектура-планировка ечимларининг яхлитлигига эришиш лозим. Архитекторлар ва уйсозлик корхоналари инженер-технологлари ҳамкорликда иш олиб боришлари, изланишлари, лойиҳалашнинг дастлабки босқичидаёқ ўзаро алоқани кучайтиришлари, барча ечимларнинг ҳар томонлама тажрибада синаб кўрилишига эришишлари керак. Шунинг учун ҳам йирик панелли уйсозликни такомиллаштириш фақатгина ана шу корхоналарни реконструкциялаш ва қувватларини оширишгагина тааллуқли эмас.

Масалан, бош бошқарма йирик панелли уйсозликнинг эксперименталь базаси, қурилаётган уйлари айрим қисмлар билан ишлаб чиқариш-технологик комплектлаш базаси, лифт шахталари учун ҳажмли элементлар, санитария-техника хоналари, доимий қўёш нури кайтаргичлар тайёрлаш бўйича заводни лойиҳалаш учун топшириқ берди. Институтлар шу объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бошлаб юборишдилар.

Бош бошқармамизга қарашли йирик панелли уйсозлик заводларини буюмларнинг маълум турларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш техник-иқтисодий асослаш бўйича ишлар олиб бориляпти. Бу ўз навбатида барча йирик панелли уйсозлик корхоналарининг ягона лойиҳалаш-қурилиш бирлашмасига марказлашишини тақозо этади. Ҳозир бу масалани ечиш устида иш олиб бориляпти. Бизнинг фикримизча, ягона техник раҳбарликка эга бўлган бирлашмагина йирик панелли уйларни лойиҳалаш ва қуришнинг жорий ва перспектив масалаларини самарали ҳал қилаолади. Бунда барча ишлаб чиқаришларнинг технологик ихтисослашиши ва буюмларнинг маълум турларини ишлаб чиқариш тўла ҳисобга олиниши мумкин. Албатта, бу бирлашмада эксперименталь лойиҳалаш ҳам бўлиши керак. У ўз составида лойиҳалаш бўлинмаларига эга бўлгани ҳолда буюмларни завод шароитида тайёрлаш ва уйларни монтаж қилиш технологиясини аниқ белгилаб бериши, қурилаётган участкаларнинг планировкаси яхши бўлиши учун тинмай иш олиб бориши керак. Ишлаб чиқаришларнинг технологик имкониятларини билиш бирлашмага уйларнинг пештоқларини безаш ва турли ҳажмли композицион ечимларни қўлланиш ва бу билан уйларнинг бир хиллигидан ҳалос бўлиш имконини беради.

Лойиҳалаш-қуриш бирлашмасининг ташкил этилиши индустриал уйсозликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришни ташкилий тугаллаш, уй-жой микрорайонларининг ҳар томонлама кўркам ва турли кўринишда қуришга бўлган талабни тўла қондириш имконини беради.

СИФАТ БЕЛГИСИ

Чиноз районидаги Киров номли колхознинг Аҳмадали Жўраев бошлиқ бригадасининг аъзолари ҳар бир ниҳолни қалб ҳарорати билан парвариш қилиб, ҳосилга ҳосил қўшмоқдалар. Улар илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилганликлари туфайли ғўзалар бегубор ўсиб, гул ва кўсакларини кўпайтирмоқда.

Яқинда колхоз правлениеси аъзолари мутахассислар билан биргаликда бригаданинг далаларини кўздан кечириб чиқишди. Суғориш, культивация қилиш қандай олиб борилаётганлиги билан чуқур танишилди. Натижада асосий майдонларда ғўзани парвариш қилиш яхши ташкил қилинганлиги маълум бўлди. М. Қосимов, А. Жўраев, М. Қурбоналиев сингари механизаторлар ғўзаларни бош марта сифатли культивациядан чиқаришган. Сувчиларнинг кўплари белгиланган нормани ошириб бажаришга эришганлар.

Шу туфайли ҳам бригада далаларига «Сифат белгиси» берилди. Пахтакорлар эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Г. МАМЕТОВА.

Тошкент ёғ-мой комбинатининг маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Бунга асосий сабаб корхонада тайёрланаётган ёғ-мой маҳсулотларининг сифати яхшиланиб борилаётганлигидадир. Бу ишга албатта корхонанинг илғор ишчилари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шулардан бири комбинат оператори Турсуной Воҳидовадир. Бу ишлаб чиқариш илғори, сифатли маҳсулот тайёрлаш билан бирга смена топшириқларини 120—130 процент қилиб бажармоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

«Узсельхозтехника» Ғалаба район бирлашмасининг бир қатор тажрибали ишчилари «Шогирд устозга тенглашсин» шиорига амал қилиб ёш кадрларга ўзларининг бой тажрибаларини ўргатишга харакат қилмоқдалар. Шулардан бири корхона токари Ким Сандир. Моҳир токарь ёшларни тарбиялаш билан бирга смена топшириқларини 130—140 процент адо этмоқда. Суратларда: (юқорида) Ким Сан ўз шогирдлари даврасида; (пастда) ишлаб чиқариш бошқарувчиси Мун Илларион тайёрланган маҳсулотлар сифатини кўздан кечирмоқда.

И. Зайниддинов фотолари.

СОВХОЗНИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

ТОШКЕНТ районининг «Ленинград» совхозида кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу йил план бўйича 104 минг сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга ошириш мўлжалланган.

Совхознинг биринчи бўлимида дала шийпони қурилиши жадал суръат билан олиб борилмоқда. Сентябрь ойида фойдаланишга топшириладиган бу объект қурилишига 34 минг сўм ажратилган. Шунингдек, теплицанинг қўшимча қувватлари қурилиши тугалланди.

«Спецстроймонтаж» трестининг биринчи кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари барча ишларни муддатидан илгари адо этиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Т. ДУСАНОВ.

МАШИНАСОЗЛАР ДЕҲҚОНЛАРГА

Мурод 1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилганида 19 ёшда эди. Чегара қўшинларида хизмат қилиш осон бўлмади. Кейинроқ, лиёдалар билим юртида ўқиди. Уруш бошланди. Офицерлик ҳарбий унвони билан жангга кирган Мурод бор билим ва маҳоратини ғалаба учун курашга бағишлади.

Тинч меҳнат қўйнига қайтган Шоюсупов халқ хўжалигини тиклаш ишига муносиб ҳисса қўша бошлади. Узоқ йил Ангрен ГРЭСида ишлади, ўша ерда шонли Коммунистик партия сафига кирди. Эндиликда эса у Ангрен керамика комбинатининг илғор ишчиси, бригадир. У бошчилик қилаётган коллектив зиммасидаги топ-

ВЕТЕРАН

шириқларни мунтазам ошириб бажармоқда.

— Бригадамиз кичкина, лекин ишлари катта, — дейди ҳазил аралаш Мурод Назарович. — Бригадамиз ҳар бир аъзосининг бир оила фарзандларидек ардоқлиноқ ишлаши натижасида социалистик мусобақанинг олдинги сафида бораётмиз. В. Пейтер, М. Усеннов, А. Имомназаров, И. Вернер каби пешқадамлар смена топшириқларини 1,5—2 баравага етказиб бажаришмоқда.

КПСС XXV съезди арафасида бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббуси юзага келди. М. Шоюсупов бригадаси ана шу ташаббусга биринчилар қатори қўшилди. Ваъдага вафо қилиб ишлаётган керамикачилар яқинда ўнинчи беш йиллик планини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Айни кунларда улар ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

III даража Шуҳрат ордени ва бир қанча жанговар ҳамда меҳнат медаллари кавалери, уруш ва меҳнат ветерани Мурод Шоюсупов бошлиқ коллектив янги-янги меҳнат зафарлари сари дадил одимламоқда.

В. ҮЛМАСБОЕВ.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қишлоқ меҳнаткашлари олдига катта вазифалар қўйди. Бу вазифаларни бажаришда қишлоққа қудратли техника етказиб берадиган машинасозларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлади, албатта. Жумладан, пойтахтимиздаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган машина ва механизмлар қишлоқ меҳнаткашларининг, пахтакорларнинг асосий таянчидир. Бирлашманинг замонавий, қулай машиналари чигит экишдан тортиб ҳосилни йиғиштириб олгунгача бўлган барча ишларда деҳқоннинг оғирини енгил қилмоқда.

Корхона республикамиз ва иттифоқдош республикаларнинг пахтакор хўжаликларига сеялкалар, тупроққа гербицид соладиган мосламалар, чанглагич-пуркагич машиналар, подборщиклар, кўрак чувийдиган, ғўзапоя юладиган агрегатлар ва бошқа турли хил механизмлар ҳамда эҳтиёт қисмлар етказиб бермоқда. Булар юқори сифатлилиги билан ҳам ажралиб туради. Ўтган йили бир йўла уч маҳсулотга давлат Сифат белгиси берилганлиги қувончли воқеа бўлди. Тупроққа гербицид соладиган ПГС-2,4 мосламаси, кўрак чувиш машиналарининг ЭП-1 маркали электроприводлари ҳамда СЧХ-31 сеялкаларининг аниқ миқдорда чигит ташловчи аппаратлари давлат Сифат белгисига сазовор бўлди.

Ҳозир машина ва механизмларни янада такомиллаштиришга, уларнинг унумли ва осон бошқариладиган бўлиши йўлида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили СЧХ-4А1, СТХ-4Б маркали чигит экадиган такомиллаштирилган сеялкалар, УПХ-1,5В маркали модернизациялаштирилган кўрак чувиш машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. ОВХ-14 машинасининг такомиллаштирилган намуналари, ПХ-2,4 маркали тўрт қаторли подбор терадиган янги машина ва ПХГ-4 маркали тупроққа гербицид соладиган янги мосламаларнинг тажриба намуналари ишлаб чиқарилди.

Айниқса, СЧХ-4А1 маркали чигит экадиган янги сеялка қатор афзалликларга эга. Бу сеялка маркерларни автоматик кўтариб — туширувчи гидросистема билан жиҳозланган бўлиб, у бу йилги кўкламги экиш ишларини тез ва сифатли ўтказишда дала меҳнаткашларига жуда манзур бўлди.

— Маълумки, шу пайтгача 90х90 ва 60х60 схемаси бўйича чигит алоҳида-алоҳида сеялкада экиларди, — дейди бирлашма партия комитетининг секретари И. Моисеев, — конструкторларимиз пахтакорларнинг истак ва таклифларини ҳисобга олиб, янги универсал сеялка яратмоқдалар. Керакли схемага осонгина мослаштириладиган бу сеялканинг тажриба намуналари экиш мавсумида синовдан ўтди.

Мураккаб машиналарнинг деҳқонларга манзур бўлиши кўп жиҳатдан механизмларнинг нечоғлиқ сифатли қилиб тайёрланишига, прогрессив иш технологияларининг жорий этилишига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам қувватлардан янада тўлиқ фойдаланиш, сифат ва самарадорликни юқори погонага кўтариш учун мураккаб иш жараёнларини механизациялаш ва сифатни бошқаришни такомиллаштиришга ҳам катта эътибор билан қаралмоқда.

Энг сўнгги иш натижасига қараб иш ҳақи оладиган комплекс бригадаларнинг тузилганлиги меҳнатни ташкил этишнинг янги формаси бўлиб, у ишлаб чиқаришни бошқаришга ишчиларнинг ўзини ҳам кенг жалб этишга имкон бермоқда.

Заводнинг учта цехида ана шундай бригадалар ташкил этилди. Бу бригадаларда меҳнат унумдорлиги ва иш интизоми ҳам анча ўсмоқда. Ана шу усулда ишловчи 5-механика цехининг М. Содиқов бошлиқ комплекс бригадасида кўрак чувиш машиналари йиғилади. Бу ерда машинанинг майда деталлари ва агрегатларини йиғишдан тортиб, машинани синовдан ўтказишгача бўлган барча иш жараёнлари амалга оширилади. Бригада тайёр машинани синовдан ўтказиб, шунингдек, техника назорати бўлимига топширади. Бунда тайёрланаётган ҳар бир машина 22 сўм арзонга тушмоқда. Бошқа цехларда ҳам комплекс бригадалар ташкил этилиши натижасида анчагина иш вақти, металл ва энергия тежаб қолинмоқда.

Заводнинг қуюв цехида автоматик қолиплаш линиясини ишга тушириш 24 та қолипловчи ишчини бошқа ишларга ўтказиш, 86,6 минг сўмни тежаш, меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини ошириш имконини берди. Шунингдек, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича барча участкаларда жорий этилган юздан ортиқ тадбирларнинг йиллик шартли фойдаси 513,6 минг сўмни ташкил этди. «Митчиль» арралари тайёрлайдиган иккита автоматик ляния, 11 та автомат ва ярим автоматлар, ҳамда қўл меҳнатини енгиллаштирувчи кўплаб агрегат ва станоклар ишга туширилди. Пластмассадан деталь тайёрловчи цех ишлай бошлади. Айни пайтда корхонанинг асосий цехларини реконструкциялаш ва бир хил номенклатурадаги машиналарнинг деталларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган технологик цехлар ташкил этиш ишлари олиб борилянпти.

Бу тадбирлар натижасида ўтган йили 182 тонна металл, 700 минг киловатт-соат электр энергияси, 116 тонна шартли ёнилги тежаб қолинди. Тежалган бу маҳсулотлар ҳисобига 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Айтиб ўтилган бу ютуқлар билан бирга ҳали корхона ишида айрим нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Иш жараёнларини узлуксиз ташкил этиш, иш вақтининг исроф бўлишини ва кадрлар кўнимсизлигини камайтириш шу куннинг талаблари даражасида, деб бўлмайди. Моддий ресурслари иқтисод қилиш, металл ва электр энергиясини тежаш борасида ҳам жиддий нуқсонлар бор. Бу камчиликларни тезроқ бартараф этиш учун заводни тўла реконструкциялаш ишларини кечиктирмасдан амалга ошириш, бинобарин ишчиларнинг меҳнат шароитларини тубдан яхшилашга имкон берадиган машина ва механизмларни кўпроқ жорий этиш ҳамда шу участкаларни кенгайтиришга алоҳида аҳамият бериш тақозо этилади. Булар ўз навбатида завод маркази шарафи учун курашни кучайтириш, қишлоқ меҳнаткашларига юксак унумли ва сифатли механизмлар етказиб беришни янада қўлайтириш имконини беради.

Шу кунларда корхонада такомиллашган «ОВХ-14» чанглагич-пуркагич машиналари, подборщиклар ва бошқа механизмлар тайёрлаш ишлари авжида.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини амалга ошириш, деҳқонларга кўп ва сифатли техника етказиб бериш иштиёқида меҳнат қилаётган машинасозлар иш суръатини тобора жадаллаштирмоқдалар.

М. АБДУЛЛАЕВ.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

КЕЛЕС БУГУН ВА ЭРТАГА

Саратон қуёши аямай қиздиради. Иссиқнинг зўридан йўлга ётқизилган асфальт ҳам юмшаб қолган. Чилланинг айни шу қизиган чоғида ҳам қурувчилар суръатни бўшаштирмай меҳнат қилишяпти. Яқиндагина шаҳар деб ном олган Келес янги ҳуснини, янги манзара кашф этмоқда.

Тошкент райони бош архитектори Ҳикмат Тиллаев билан янги қурилишларни айланиб юрибмиз. Катта қурилиш майдонида ишлар жуда ҳам қизғин. Юк ортган машиналарнинг кети ўзилмайди.

— Бу ерда 1176 ўтилқизга мўлжалланган мактаб қад кўтармоқда, — дейди Ҳ. Тиллаев. — Қўли гул бинокорлар объектни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар.

Мактабдан унчалик узоқ бўлмаган ерда эса янги турар-жой бинолари қурилмоқда. Бу йил 10 минг квадрат метр майдондаги янги уйлар ўз эгаларига топширилади. Шаҳарчада шунингдек 400 томошабинга мўлжалланган кинотеатр, икки қаватли дорихона, 104 ўринли меҳмонхона қурилмоқда. Бундан ташқари бир йўла 400 беморни қабул қила оладиган поликлиника, 280 кичкинтойга мўлжалланган болалар боғчаси ҳам биринчи навбатда фойдаланишга топширилиши керак бўлган объектлардан ҳисобланади.

Келеснинг бугунги куни ана шундай қурилишлардан иборат. Эртаси эса янада порлоқ. Бу тўғрида бош архитектор алоҳида мамнуният билан гапиради.

— Биз ҳозир шаҳарнинг энг асосий кўчаси, доҳий Ленин кўчасида турибмиз. Бош планга кўра келгусида кўча 60 метрга кенгаяди. Бундай равон ва кенг кўчалар шаҳримизда яна кўплаб қурилади. Вокзал, Сариғоч ва бошқа ерлар марказ билан боғланади.

Келесда ободонлаштириш ишлари ҳам авжида. Ариқ ва анҳорлар четларига бетон плиталар ётқизилмоқда. Айниқса Фурқат ва Спартак кўчалари кесишган жойда ташкил этилаётган истироҳат боғида иш қизғин. Боғ ҳозирданоқ келесликларнинг энг севимли ерига айланмоқда.

Шаҳардаги кўпгина турар-жой бинолари илгари планисиз равишда қурилиб, санитария ва сейсмология талабларига жавоб бермайди. Шунинг учун янги бош планга кўра улар ўрнига замонавий кўп қаватли турар-жой бинолари қад кўтаради. Ленин кўчаси бўйлаб 9 қаватли уйлар қурилади. Уларнинг биринчи қаватлари савдо ва маданий-маиший хизмат тармоқлари учун ажратиб берилади. Шунингдек 4 қаватли турар жой уйлари, икки қаватли коттежлар қурилади. Ҳар бир кварталда болалар боғчалари, озиқ-овқат магазинлари, шахсий автомашиналар учун гаражлар қурилиши ҳам мўлжалланган.

Шаҳар маркази ҳозирги универмаг, вокзал ва дорихона оралиғига жойлашгандир. Келгусида бу ерда 12 қаватли меҳмонхона, Бахт уйи, 1200 томошабинга мўлжалланган кинотеатр, музей ҳамда маъмурий бинолар бунёд қилинади. Шаҳар маркази ансамблига Қизил майдон ҳам кўрк қўшади.

Келесда саноат корхоналари қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда. Ҳозирги пахта заводи, жунни қайта ишлаш фабрикаси ва бошқа бир қанча корхоналар шаҳар четига кўчирилади. Келеснинг шимолий ғарб зонасида, ҳозирги гишт заводи атрофида йирик саноат райони қад кўтаради. Бу ерда консерва заводи, уйсозлик комбинати, турли фабрикалар қурилиши мўлжалланмоқда.

Тошкент районининг маркази кундан-кунга чирой очмоқда. Келажакда бу шаҳар фақат областимиздагина эмас, балки республикамизда ҳам чиройли, йирик саноат ва маданият марказига айланиб қолади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

ИШСИЗЛАР КИМГА КЕРАК?

КАПИТАЛИСТИК ДУНЁ ҚИЕФАСИ

Инсоннинг оддий ҳуқуқларини, шу жумладан энг асосий ҳуқуқи — меҳнат қилиш ҳуқуқини қўпол равишда бузиш — ғарбдаги капиталистик мамлакатларнинг кундалик ҳаётида одатдаги ҳодисадир. Бу мамлакатларда гражданларнинг ҳуқуқларини сўздагина гарантиялаган Конституциянинг асосий қоидаларига ҳамиша риоя қилинмаётганлигини тасдиқловчи тобора янги фактлар кун сайин аён бўлиб қолмоқда.

БОННН. Ғарбий Германиянинг Шварценхольц шаҳрида (Саар ўлкаси) яшовчи ишсиз Отто Мюллер қайғу алам билан шу гапларни айтди: «Биз тинкамиз қуригунча ишлаб келдик, иқтисодий аҳвол мушкуллашган чоғда бизни кўчага чиқариб ташладилар». О. Мюллер 30 йилдан кўпроқ меҳнат қилган. 1971 йилда Форд заводига келди. Уни ҳар хил ваъдалар билан ишга маҳлиё қилиб қўйишган эди. «Аммо, — деб ҳикоя қилади О. Мюллер «Цайт» газетасининг мухбирига, — ваъдалар пучга чиқди. Ўтган йил октябрь ойида бошқа кўп кишилар қатори мени ҳам кўчага чиқариб ташладилар».

О. Мюллер 57 ёшда. Пенсия олиш учун бу ёш кифоя эмас, аммо янги иш топаман деса, жуда ҳам қариб қолди. Фақат унинггина эмас, балки ГФРдаги юз миллионларча кишиларнинг тақдири ҳам ана шундай.

Ишчи ёшлар жуда ҳам оғир кунларни бошидан кечирмоқдалар. ГФРда йигит-қизлардан 400 мингга яқин киши шогирд ўрнини топиш ёки лоақал бирон иш олиш имконнятига эга эмас. «Унзере цайт» газетаси гамбурглик шундай йигитлардан бири Томас Мартинс тўғрисида ҳикоя қилади. Томас ўқишни давом эттириш иложини топа олмаганидан кейин ишга ўрнашмоқчи бўлган. Аммо унга меҳнат биржасида сизга ҳеч қандай иш йўқ, деганлар. Томас бу йил шогирд-механик ўрни берилишини сўраб 67 машинасозлик фирмасига мурожаат қилган, лекин бундан ҳеч қандай натижа чиқмаган. Бизнинг мамлакатимизда, деб таъкидлайди газета, меҳнат қилиш учун касб эгаллаш юзасидан ГФР Конституциясида эълон қилинган ҳуқуқнинг оқибати ана шундай.

ПАРИЖ. Анн Море Флёре шаҳридаги тўқимачилик фабрикасида 12 йил ишлади. У яқинда почтадан яшил конвертларнинг бирини олди. Унда сиз ишдан бўшатилдингиз, деб хабар қилинган эди. Ҳозирги вақтда Францияда бундай конвертлар кўп кишиларга юборилмоқда. Бундай хабар ана шу аёлнинг тақдирини кескин суратда ўзгартириб юборса керак. Анн Море ишсизлар қаторига келиб қўшилади.

Расмий маълумотларга қараганда, Францияда ўтган йилнинг май ойидан буён «ортиқча кишилар» сони 7,4 процент кўпайган ва касаба союзларининг маълумотларига кўра бир ярим миллион кишига етган.

Кейинги бир неча ҳафта ичида ишчилар яна кўплаб ишдан бўшатилганлиги қайд қилинди. «Бар-лофорж» корхонасининг 300 га яқин ишчиси маъмуриятнинг уч заводни ёпиш нияти борлиги учун ишдан бўшатилажаги тўғрисида хабер олди. Рокфор шаҳридаги целлюлоза қоғоз-корхонаси ёпилди ва уч мингдан зиёд киши ишдан бўшатилди. «Альстомназер» компанияси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қисқарганлигини билдирди.

ВЕНА. Австрияда ишчилар ва хизматчилар сабаби тушунтириб берилмаган ҳолда ҳар қачон ишдан бўшатилиши мумкин. Ишчилар кўпгина сиёсий важлар билан ишдан бўшатилмоқда. Хард шаҳридаги нашриёт ходими коммунист Ф. Дунс билан шундай ҳодиса рўй берди: коммунист ишчининг ишлаб чиқариш кенгашига сайлов ўтказишни ёқлаб чиққанлиги ва меҳнаткашларнинг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилганлиги нашриёт хўжайинлари учун кифоя эди.

Австрияда коммунистлар ва прогрессив кайфиятдаги бошқа гражданлар ўзларининг сиёсий эътиқоди учун таъқиб этилмоқда. Коммунист студентлар иттифоқининг аъзоси Вальтер Байер антифашист намойишда қатнашганлиги учун судга берилди. Байернинг матбуотдаги чиқишлари, ижтимоий ҳаётдаги ва коммунистлар амалга ошираётган тадбирлардаги иштироки полициянинг қалин дафтарига батафсил ёзиб қўйилди.

(ТАСС).

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

● **СОФИЯ.** Козлодуй атом электростанциясининг коллективи 7 ойлик планни муддатидан олдин бажарди. Йил бошидан бери бу ерда 3 миллиард 555 миллион киловатт соат электр энергия ишлаб чиқарилди. Ойнинг охиригача пландан ташқари яна қарийб 250 миллион киловатт-соат электр энергия олиш планлаштирилмоқда.

● **БРЮССЕЛЬ.** Социалистларнинг Фландрияда чиқадиган йирик газетаси «Фолькс газетни» ва Бельгия умумкасб федерациясининг органи «Де Веркер» ҳафталик газетасини нашр этувчи «С. М. Онтвиккелинг» нашриёти жамияти ва «Эксельсиор» босмахонаси ёпиб қўйилди.

Натижада 310 ишчи ишсиз қолди. Бу шу йилнинг дастлабки 6 ойи ичида синган 2 мингдан кўпроқ компания ва корхоналар орасида эътибордан четда қолган энг катта корхоналарнинг биридир.

● **ГААГА.** Мамлакат социал ишлар министрлигининг хабар қилишича, Голландияда ишсизлар сони июнь ойининг охирида 204 минг кишидан ошиб кетган. Министрлик эълон қилган маълумотларга қараганда, бу ишсизларнинг ярмиси ёши 23 га етмаган кишилардан иборат.

Бу йил мактабни тамомлаган 62 мингдан зиёд йигит ва қиз июнь ойининг ўзидагина Голландиянинг меҳнат биржаларида ишсизлар рўйхатига ёзилди. Улар ҳар қанча уринсалар ҳам, ўз ҳаётида биринчи иш жойини топа олмадилар.

● **НЬЮ-ЙОРК.** Оппозициянинг фикрича, Боливияда ўтказилган ва демократияни қайта тиклаш йўлида қўйиладиган биринчи қадам бўлган сайловда кўпчиликнинг ҳоҳиши сохталаштирилган, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси.

Сайлов вақтида оппозициянинг номзодлари ёзилган бюллетенлар кўпгина сайлов участкаларида етишмай қолган ёки умуман бўлмаган, деб ёзади газета. Сайловчиларнинг 15 процента истиқомат қилаётган пойтахт аҳолисининг қаерда овоз бериши тўғрисидаги қарорлар фақат сайлов арафасидагина эълон қилинган, шу сабабли сайловчиларнинг кўплари ўз участкаларини тополмаганлар. Пойтахт атрофидаги округлардан бирида овоз беришда солдатлар ҳам қатнашган, ваҳоланки, солдатларнинг сайловда қатнашуви қонунда тақиқланган.

● **БАМАКО.** Мали республикасининг пойтахтида Мали меҳнаткашлари миллий бирлашмасининг съезди очилди. Съезд очилишида сўзга чиққан меҳнат министри Т. Диарра мамлакатни ривожлантиришда қишлоқликка, ишсизликка қарши, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш учун курашда Мали касаба союзлари катта роль ўйнаганлигини уқтириб ўтди.

Съездга 30 дан кўпроқ мамлакат ва халқаро ташкилотдан, шу жумладан, Совет Иттифоқи, Венгрия, Руминия, Куба, Жазоир ва Гвинея касаба союз делегациялари келди.

● **ТОКИО.** Япониядаги ип йигириш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми яқин ойлар ичида учдан бир зиёд қисқартирилди. Шу билан бир вақтда корхона эгалари мамлакатда калава ишлаб чиқарадиган барча ускуналарнинг 30 процентини тўхатиб қўймоқчилар. Бу қарор Японнядаги ип йигирув уюшмаси директорлари кенгашининг мажлисида қабул қилинди.

(ТАСС).

«СКАЙЛЭБ» СТАНЦИЯСИДАГИ НОСОЗЛИКЛАР

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармасининг хабаонга кўра, Американинг «Скайлэб» космик станциясида электр таъминот системасида носозликлар вужудга келган. Станция 1973 йилдан бери ер атрофи орбитасида бўлиб ҳозирги вақтда баландлигини тез йўқотиб бормоқда. Бу — нарса станция орнентациясинп таъминлашни қийинлаштирэади. Мутахассислар уни бир мунча баланд орбитага чиқариб қўймоқчи эдилар.

Станция орбитасини ўтган йил охирида маҳсус ўлчаш у баландлигини мўлжалдагидан анча тез йўқотаётганлигини кўрсатди.

АФРИКА БИРЛИГИ ТАШКИЛОТИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Қўшма Штатларда Родезиядаги қонунга хилоф Смит режимига қарши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан жорий этилган жазо чораларини бекор қилиш учун урнимоқдалар. Африка бирлиги ташкилоти ана шу урнишларга қарши қатъий норозилик билдирди. Африка бирлиги ташкилотининг БМТда тарқатилган баёнотида бундай дейилади: Америка сенати Родезияга қарши жазо чораларини ярим йил мобайнида бекор қилиш ва Зимбабве халқининг бирдан-бир қонуний вакили бўлган ва Африка бирлиги ташкилоти тан олган бу мамлакат ватанпарварлар фронтининг иттифоқчиси бўлмиш давлатларга ёрдамни тўхатиш ниятидадир. Америка сенатининг ана шу ниятларига йўл қўйиш мумкин эмас. Бундай ниятлар Африка қитъасида тинчлик ва осойишталик ишини ғоят жиддий хавф остида қолдиради. Бу қадам, дейилади баёнотда, Зимбабве халқини озчиликни ташкил этган оқ таилиларнинг мустамлакачилик ва ирқий зулмидан тезроқ ҳалос қилишга ҳалақит бериш йўлидаги урнишдан бошқа бир нарса эмас. Бу қадам Қўшма Штатларнинг Родезиядаги қонунга ҳилоф режимин эътироф этаётганлигидан ҳам далолат беради.



Кубанинг Карупано (Лас-Тунас вилояти) портида шакарни кемаларга ортиш учун лиги, қулай кема тўхташ жойи қурилди. Янги замонавий механизмлар ва транспорт агрегатлари билан жиҳозланган мазкур портда бир соатда 700 тонна шакарни кемаларга ортиш мумкин бўлади. Суратда: «Иркутск» совет кемасига шакар ортиш пайти.

ТАСС фотохроникаси.

Фестивалга зарбдор меҳнат

Областимиздаги қатор олий ўқув юртлари ва бошқа билим юртларининг талабалари шу кунларда зарбдор меҳнат участкаларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Оҳангарон қурилиш материаллари техникумида ҳам эллик кишидан иборат студентлар қурилиш отряди тузилган эди. Ҳозир улар шаҳардаги 1176 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилишида меҳнат қилмоқдалар. Отряд аъзолари 40 минг сўмлик капитал маблағни ўзлаштиришлари керак. Коллектив бу вазифани зиёдаси билан адо этишга сўз берган. Отряднинг Р. Гиматов, В. Розенкин, А. Верзилин, И. Позднякова каби аъзолари қурилиш нормаларини 1,5 баравларга етказиб адо этмоқдалар.

28 июлда Гаванада ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивали очилади. Ёш бунёдкорлар фестивалнинг ҳар бир кунига зарбдор меҳнат билан жавоб беришга аҳд қилдилар. Шу кунларда фестиваль фондига иш ҳақидан 300 сўм ўтказишга сўз беришди.

ЁШ РАССОМЛАР ВЕРНИСАЖИ

18 июль куни Ўзбекистон Рассомлар союзининг выставкалар залида «Ёшлар кўрсатади» деган вернисаж очилди. Республиканинг ҳамма областларидан 150 ёш рассом икки юзга яқин ҳар хил услубдаги ишларни келтирганлар. Уларнинг ижодида портретлар, натюрморт лар, графика, ҳайкаллар бор.

Виставкада саноат ишлаб чиқариши ёш илғорларининг портретларини кўрсатган Редкина, Ўлдошев каби ёш рассомлар ижодиётининг асосий темаларидан бири замондошларимизнинг меҳнатдаги қаҳрамонлиги темасидир. Экспозицияда тарихий-революцион темага катта ўрин берилган. Бухоролик рассом И. Ҳайдаров ўзининг «Ревком» деган асарида Советлар ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги воқеаларни яққол акс эттирган. Ж. Умарбеков биринчи ўзбек комсомоли Абдулла Набиевга бағишланган картинани ишлаган. Самарқандлик рассом А. Исаев «Бузилган кўклам» деган асарини Улуғ Ватан уруши йилларидаги ёш ватан ҳимоячилари хотирасига бағишлаган.

«Ёшлар кўрсатади» деган республика виставкаси ВЛКСМнинг 60 йиллигига бағишланган.

(ЎзТАГ).

Тошкент политехникумининг юздан зиёд ўқувчилари билим юрти ҳузурида ташкил этилган бир қатор бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида шуғулланадилар. Улар ўқиш билан бирга музика санъатида ҳам янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Суратда: халқ чолғу ансамблининг навбатдаги машғулоти.

С. Икромов фотоси.

ВАТАН

Э, Ватан сенга бу даврон бахту саодат ярашур,
Мўътабар ҳар бир ёшингга тўйи салобат ярашур.
Серзиё ҳуснингга гўзал меҳри тафоат ярашур.
Тинч тотув халқингга умрбод истиқбол ярашур,
Дилрабо гул боқчаларинга истироҳат ярашур.
Бу диёрда кони неъмат боғу бўстонларни кўринг,
Ҳўр азиз одамга раво ҳамма имкониятларни кўринг.
Ҳурият тонги яратган чаманистонларни кўринг,
Беқиёс ҳиммати дарё марди майдонларни кўринг,
Бу улуғ давлатда яшашга шону-шуҳрат ярашур.
Жумла эл қутли онингни муборакбод этадир.
Ҳар қачон ишқу муҳаббат шавқини иршод этадир,
Туну кун бағрингда ҳамма хислатларинг ёд этадир.
Фахр этиб оламга таниилган фазлинг ижод этадир,
Олга юрмиш муносиб эл совға саломи билан,
Келадир барча зафар ёр беҳисоб инъоми билан,
Кўрсатиб ҳар ишда ташаббус дилда илҳоми билан,
Пахтакор ваъдадан ортиқ олтинли ҳирмони билан
Ул табаррук эҳсони кўп эл тўйга бағоят ярашур.
Сенда бу ҳушнудни мурод-мақсадга ули ҳанда қилур,
Ватаннинг қадрини билган элни эл арзанда қилур,
Ҳар киши орзуга мувофиқ ишни бу гулшанда қилур,
Даврима фитна солганларни замон шарманда қилур,
Бу эркин нурли жаҳонга шамси шаҳодат ярашур.

ҲУШНУД.

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

ГЎЗАЛ

ДУҚОН олдидан ўтаётиб, ҳовлида навбатда турган беш-олти киши томонга қарадим. Балиқ сотиляпти. Икки қадам юриб яна беихтиёр у томонга нигоҳ ташладим. Йўқ, тирик балиқлар эмас, сотувчи қиз эътиборимни тортди. У гўзал эди. Шундай гўзалки, бир кўргандан кейин иккинчи бор қарамаслик — гуноҳ. Бундайларга гўзалликка қарагандек қарайсан. Бошқа фикр ҳаёлингга келмайди...

Сотувчи қиз шунақа гўзал эди. Беш-олти қадам юриб тўхтадим. Унга бир нафас тикилиб қолдим. Сўнг бундоқ атрофга разм солсам, мен ягона эмас эканман. Ўтда-бетда мендан бошқа ҳам «томошабин»лар туришибди. Қиз эса ўз вазифаси билан машғул. Сувли кажавада ўйноқлаб, ўзини ҳар ёққа ураётган балиқларни човли билан олиб, тарозига қўяди. Балиқ белини юқорига букиб бир питирлайди-да, гўзал сотувчига шўхлик қилиб сўнг уялгандек жимиб қолади. Жониворнинг ҳисобкитоби қилингач навбатдаги харидор кўрсаткич бармоғи билан темир ҳовузга ишора қилиб балиқ танлайди...

Қиз каттагина балиқни торозига қўйди. Ҳаёт — сувдан вужуди узилган чиройли жонивор жон ҳолатда типирчилади. Танасидаги сув атрофга сачраб кетди. Гўзалнинг оппоқ лўппи юзидаги тимқора узун киприклари пирпиради. Шаҳло кўзларида нур жилвланди. Жилмайди. Икки ёногида пайдо бўлган кулгич ҳуснини яна ҳам очиб юборди. Берганга қўш-қўллаб берар экан-да, бир одамга шунчалик ҳам чирой берадими?...

Катта балиқ типирчилайверди. Бу аҳволда сотувчи уни тортолмас, тарозининг кўрсаткичи ликиллаб кетаётган эди. Навбат кутувчилар шошилиш ўрнига сотувчига қараб жилмайишади. Улар гўё балиқ харид қилиш учун эмас, балиқ ва гўзалнинг «ўйини»ни томоша қилиш учун туришибди бу ерда.

Бояги ҳамсояларимга — атрофдаги «мухлислар»га қарадим. Уларнинг юзларида ҳам нимтабассум...

Шу пайт... гўзал қиз балиқни икки кафти орасига олиб баланд кўтарди ва... балиқнинг бошини темир ҳовузнинг деворига бир урди!..

Менинг бошимга тарози тоши билан урилгандек бақрайиб қолдим. Навбатда турганларнинг очиқ чеҳраси бирдан тундлашди. Назаримда, ҳозиргина чарақлаб турган қуёш юзини қора булут қоплади. Боши мажақланган ўша катта балиқни олмоқчи бўлиб турган харидор кампир ниманидир жавраб, сумкасини қуруқ кўтариб нари кетди. Атрофга, гўзалнинг «мухлисларига» қарадим. Ҳеч бири ўрнида йўқ...

Сотувчи қизга тикилиб турганимни биров кўриб қолишидан иймангандек, шошиб йўлимда давом этдим.

САЛОМ

Шавкат чизмадан бошини кўтариб, балконга чиқди. Сигарет тутатди. Пастда, кечагина томи ёпилган тўрт қаватли уйнинг биринчи қаватида болалар ўйнаб юришибди. Бекинмачоқ ўйнашаяптими ўзларича, бирнималарни излаб юришибдими — билиб бўлмайди.

Шавкатнинг уларга ҳаваси келди. Миясини ғувиллатиб юборган илмий ишидан, умуман дунё ташвишларидан бир кун, борингки бир соат озод бўлиши учун бола бўлгиси келди. Бироқ... ҳаёт улкан дарё, ҳечқачон орқага оқмайди...

Шу пайт бинонинг бир чеккасидан қурувчи йигит жаҳл билан бақириб болалар томон кела бошлади. Забардаст гавдали, чапани кўринишли йигитнинг ҳозирги важоҳатидан бола тугул катта одам ҳам қўрққулик эди. У болалар майда-чуйдаларни олиб кетишади, ёки йиқилиб ўт-бети шикастланса биз жавобгар бўламиз, деб ўйлаяпти шекилли...

Басавлат йигит қўлида ярим қулоч темир ушлагаганича болаларга яқинлашиб келяпти. У ҳозир биронтасини тутволиб урадиган, бўралаб сўкадиган қиёфада. Болалар эса турган жойларида қотиб қолишган. Е, қўрқиб кетишди, ё гуноҳ иш қилмаганлари учун қочишни эп кўришмади.

Олтинчи қаватдаги Шавкат ҳам хавотирланиб ўлартўшди беихтиёр. Тўққизинчи қаватдаги уйидан бутун шаҳарнинг гўзал манзараси кўриниб турса ҳам, шу топда у жуда тор бўлиб кетди назарида. Чуқур хўрсиниб қўйди.

Ошхонанинг балконга чиқадиган эшигини очиқ қолдириб ичкари кирди, стол ортига ўтириб ишини давом эттирди.

Хотини болаларни олиб ўйига — участкага кетган. Асқар улар йўлида анча ёзиш — чизишларини битириб олмоқчи. Ҳаёл оғушида ишга шўнғиди.

«Туқ-туқ-туқ». Асқар дафтардан бошини кўтарди. Рўпарасида мусича. Қиши билан бирон бўғотда тунаган бўлса керак, патлари, оёқлари — ҳаммаёги қоп-қора. Икки кўзи милт-милт қилади.

Йигитнинг чеҳрасига табассум югурди, қалбини олисда қолган қадрдон бир туйғу елпиб ўтди. Мусича буни пайқагандек, хонага бехавотир кириб келаверди. Қизчаси гилам устида ўтдабетда сочиб қолдирган нон увоқларини топиб ея бошлади. Яна, дамба-дам уй соҳибига қараб-қараб қўяди...

Асқар илгари — ҳовлида яшаганида мусичани уйин булғатмасин деб дарров ҳайдаган ёки эрмак учун уни тутиш пайига тушган бўлардик. Ҳозир эса... лабларида табассум, қалбида ширин ҳаяжон билан унга тикилиб қолди — хонасига баҳор кириб келгандай дили яшнади...

У қушларга эътибор бермай қўйганига анча бўлганини ўйлаб кетди...

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.

Реклама ва эълонлар

Узбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълим давлат комитети

ЛЕНИН, ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металлар бўйича универсал токарлар ва универсал фрезерчилар, учиш аппаратларини йиғувчи слесарлар, механика-йиғув ишлари бўйича слесарлар, дурадгорлар, тунука ва инструментлар бўйича слесарлар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Ўқишга 8-синф ҳажмида маълумотли, шаҳарлик йигит-қизлар қабул қилинади.

Шаҳарнинг чекка қисмидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганлар ўрта маълумот ҳақида аттестат ва касблари ҳақида диплом ва В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаш учун йўлланма оладилар.

Билим юртини аъло баҳо билан битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

Билим юртида ўқишлар техника воситалари билан жиҳозланган, фан кабинетларида ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар заводдан берилиадиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида спорт секциялари ва авиамоделчилар, фото, радио ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгаракларн мавжуд.

Ўқувчиларнинг дам олишлари учун Чимён атрофида махсус дам олиш лагери бор.

Шунингдек, ўқувчилар бепул уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг бир қисмини оладилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: ариза, таржимаи ҳоли, 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, генерал Петров кўчаси, 331-уй (29-трамвай ва 30-автобуснинг «Валихонов кўчаси», 8, 48, 21, 80-автобусларнинг «4-турар жой шаҳарчаси» бекатлари).

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетининг М. З. МИРЗААҲМЕДОВ НОМЛИ 4-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА АЛОҚА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА УЗБЕК ВА РУС ТИЛИДА 8-СИНФНИ ТАМОМЛАГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича малакали ишчи кадрлар тайёрлайди: кабелчи-пайвандчи, телефон ускуналарини монтаж қиладиган алоқа монтажчиси, қишлоқларни телефонлаштириш ва радиолаштириш монтёри, автомат телефон станциялари ускуналари монтёри, қишлоқ телефон алоқаси станцияси ускуналари монтёри, телеграф алоқаси станцияси монтёри, гидрометеорология хизмати радиооператори, шаҳарлараро телефон алоқаси станцияси ускуналари монтёри.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ.

Билим юртини тамомлаган йигит-қизлар ўрта маълумот ҳамда мутахассислик бўйича диплом оладилар.

ЎҚИШГА 15—15 ЯРИМ ЕШДАГИ УСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Шаҳар ташқарисидан ўқишга келган ўғил болалар ётоқхона билан таъминланади.

ЎҚУВЧИЛАР ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИДА БЎЛАДИЛАР.

Ўқиш муддати иш стажига ўтади.

МАШҒУЛОТЛАР БИРИНЧИ СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тандим этилиши лозим: директор номига ариза, мактабдан характеристика, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (кўчирмаси), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), турар жой ва ота-онасининг иш жойидан справка, 6 та фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 33-07-77, 33-07-65, 33-07-85, 33-07-44.

СПАРТАКИАДА ТАРАДДУДИ

Шу кунларда тошкентлик ўқувчилар катта спорт мусобақаларини орзиқиб кутмоқдалар. Бу йил шаҳримизда мактаб ўқувчиларининг XV Бутуниттифоқ спартакиадаси ўтказилади. Ўқувчи спортчиларнинг бу анжуманн бошланишига бир ярим ой вақт қолди. Хўш, шаҳримизда спартакиадага қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

...Республика ёшлар спорт маҳорати мактабида спартакиада штаби жойлашган. Тайёргарлик бўйича олиб борилаётган барча ишлар ана шу ердан бошланади. Тез-тез ўтказиб туриладиган йиғилишларда эса турли хизмат кўрсатиш группалари ҳисоб берадилар.

Штабнинг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишига иттифоқдош республикалар вакиллари ҳам ташриф буюришди. Шу пайтгача бирор йиғилиш бунчалик қизиқарли ўтмаган эди, дейиш мумкин. Ўзбекистон ССР Маориф министрининг биринчи ўринбосари штаб бошлиғи М. А. Зоидов йиғилганларга тайёргарлик ҳақида гапириб берди.

— Ҳозир бизда 18 та хизмат кўрсатиш группалари тузилган. Транспорт хизмати, телефонлаштириш ва радиолаштириш, овқатлантириш, қатнашчиларни ётоқхоналарга жойлаштириш группалари ҳозирданоқ меҳмонларни кутиб олишга тайёр туришибди. Спартакиада давида 170 та автобус ва 120 енгил машина иттифоқдош республикалар, Москва ҳамда Ленинград командалари ихтиёрида бўлади. Бу тўғрида спартакиада штаби республика автомобиль транспорти министрлиги билан келишиб олган.

Меҳмонлар икки кун давомида мусобақалар ўтадиган спорт базалари, меҳмонлар жойлашадиган ётоқхоналар билан танишдилар.

Штабнинг якунловчи йиғилишида ҳамманинг фикри бир ердан чиқди: Тошкент XV Бутуниттифоқ ўқувчилар спартакиадасига яхши тайёргарлик кўрмоқда. Шу йиғилишда делегацияларни оталиққа олиш ишлари ҳам аниқлаб олинди. Мисол учун Ленинград шаҳри спорт делегациясини Ленин район комсомол комитети. Фрунзе районидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва Фарғона область халқ маорифи бўлими оталиққа олди...

Штаб йиғилиши ишида спартакиада бош судьяси К. П. Жаров, СССР Маориф министрлиги жисмоний тарбия бошқармаси бошлиғи В. П. Богославский ҳам иштирок этдилар. Биз К. П. Жаровдан спартакиадага тайёрлик ҳақидаги фикрини олдик.

— Маълумки, ўқувчиларнинг спартакиадалари ўринбосарларимизнинг кўриги вазифасини ўтайди, — дейди бош судья. — Ленин комсомолнинг 60 йиллигига бағишланган спартакиада эса бундан ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки спартакиада натижалари СССР халқларининг ёзги VII спартакиадасида ҳисобга олинади. Бу мусобақа ташкилотчиларига катта масъулият юклайди. Спорт базалари, делегациялар жойлашадиган ётоқхоналар ҳамма талабларга жавоб бериши керак. Айтиш мумкинки бу соҳада кўпгина ишлар қилинган. Стадионлар, спорт комплекслари ремонтдан чиқарилган ёки ремонт қилиняпти. Бизга штабда барча тайёргарлик ишлари муддатидан илгари — 15 августгача ниҳоясига етишини айтишди. Бу албатта қувончли ҳол...

Тошкент спартакиадага ҳозирлик кўрмоқда. Марказий «Пахтакор» стадионида ёш спортчилар байроқ кўтаришларига саноқли кунлар қолди. Ишонамизки, меҳмондўст шаҳримиз бу гал ҳам спартакиададек улкан болалар спорт анжуманининг юксак савияда ўтишига катта ҳисса қўшади.

А. РАҲИМОВ.



БУКА район алоқа бўлимининг ходимлари аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Районавтомат телефон станциясининг ишчи-хизматчилари район аҳолисидан тушган заказларни тез бажариб, уларнинг оғирини енгил қилмоқдалар. Бу ишда инженер Абдужаббор Маҳмудов (чапдан) ва алоқа бўлими бошлиғи Баҳром Нурмуҳамедовларнинг ҳиссаси катта. Ўнгдаги суратда телефонистка Ҳадича Ҳусанова ва Шоҳида Рустамоваларни кўриб турибсиз.

И. Тулисбоев фотолари.

Спорт

ИККИНЧИ ЎРИН

Вильнюс шаҳрида енгил атлетика бўйича ака-ука Знаменскийлар хотирасига бағишланган анъанавий мусобақалар старт олди. Бу йилги турнир ниҳоятда кескин ўтиши шубҳасиз. Чунки мусобақа натижаларига кўра август ойида Чехословакия пойтахтида бўлиб ўтадиган Европа чемпионатида қатнашувчи команда аъзолари аниқланади. Болгария, Польша, ГДР ва Чехословакиянинг кучли спортчилари қатнашаётганлари ҳам енгил атлетика секторларидаги курашни янада кучайтирмоқда.

Турнирнинг биринчи куни аёллар ўртасида 3000 ва 10000 метрга югуриш мусобақаси бўлди. Республикамиз вакили Светлана Ўлмасова стартдаёқ олдинга чиқиб олди. Лекин у пешқадамликни охиригача сақлаб қололмади. Чебоксарилик спартакчи Г. Романова маррага озгина қолганда олдинга ўтиб олди ва биринчи ўринни эгаллади.

«ШАХТЁР» ФИНАЛГА ЧИҚДИ

Донецк шаҳрида СССР кубоги учун маҳаллий кончилар ва Москва темир йўлчилари ўртасида иккинчи ярим финал учрашуви бўлиб ўтди. «Шахтёр» командаси футболчилари бу ўйинда 1:0 ҳисобида устун келиб финалга йўлланма олдилар.

Маълумки биринчи учрашувда ҳам Донецк футболчилари ғолиб чиқишганди — 2:0. Энди улар 12 августда бўладиган финал ўйинида иштирок этадилар. Уларнинг рақиблари эса кеча Киев динамочилари ва Москванинг «Торпедо» командаси ўртасидаги учрашувда аниқланди. Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, «Шахтёр» СССР кубогини илгари икки марта қўлга киритган эди.

ЧИМ УСТИДА МУСОБАҚА

Чим устида хоккей ўйнаш бўйича мамлакат чемпионати давом этмоқда. Утган куни командалар навбатдаги тур учрашувларини ўтказдилар.

Андижоннинг «Меҳнат» командаси бу гал ўз майдонида Ленинграднинг «Красная заря» коллективини қабул қилди. Қизиқарли ўтган учрашувда майдон эгалари 1:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Қўшиналаримиз — Олмаота динамочилари Ульяновскда майдонга чиқдилар. Улар маҳаллий «Волга» хоккейчиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

ШОССЕДАГИ КУРАШ

Тулада аёллар ўртасида велосипед пойгаси бўйича (шоссе) СССР чемпионати ниҳоясига етди. Бу мусобақаларда республикамиз вакиллари ҳам қатнашдилар.

Ўзбекистонликлар ўртасида энг яхши натижани С. Панина кўрсатди. 40 километр масофада қизлар ўртасида бўлган пойгада спортчимиз анча дуруст натижа кўрсатиб фахрий шохсупанинг иккинчи поғонасидан ўрин олди. У ғолиб пойгачи Ленинград вакили Н. Бухаревага бор-йўғи бир секунд ютқазиб қўйди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Эрталабки гимнастика. 9.55 — Ёшлар адресларн. 10.40 — Телевизион бадиий фильм. 11.45 — Телевизион ҳужжатли фильм. 12.15 — Симфония. 14.40 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.50 — «Китоб сенинг ҳаётингда». 16.35 — Телевизион очерк. 17.05 — Бадиий фильм. 18.10 — РСДРП II съезднинг 75 йиллигига. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Концерт. 19.05 — Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.05 — Халқаро олимпия «Спортлото»си. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Н. Г. Чернишевский туғилган кунинг 150 йиллигига. 22.40 — Концерт. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — ВЛКСМ 60 йиллигига. 18.30 — «Ҳаёт каби тирик». 19.00 — «Туямўйингидроузели— зарбдор қурилиш». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.45 — Ёзувчилар — ёзувчилар ҳақида. Н. Сафаров. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Қўшиқ ва рақс. 21.30 — Москва. «Вақт». 22.00 — «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». 22.15 — Бадиий фильм. 23.40 — Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Қариялар (фильм-спектакль). 20.15 — Тошкент янгиликлари. 20.35 — Телефильм. 21.05 — Реклама. 21.20 — Фильм-концерт.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Хизматдош ошиқлар қиссаси (11.30, 14.45, 18.30).

Жандарм уйланади — «ЧАНКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 17.30, 19, 20.30), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.45, 19.30, 21.15).

Муҳаббат — бу ҳаётдир — «ДРУЖБА» (11, 12, 14, 15, 17, 18.20, 20.30) ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ (11.15, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00).

Сўнгги отишма — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), ЛИСУНОВ НОМЛИ (тоқ соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

(соат 20.50 ва 22.30 да бошланади).

Жандарм уйланади — «ФЕСТИВАЛЬ».

Квартира — «ХИВА».

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия ғурмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02538. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг, Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64584. Д — 2441.